

IX. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 34,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,7% ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 275,3 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 106,4% кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	120,7	129,7
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	120,7	129,7
Юк айланмаси, млн. тн-км	966,3	112,0
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	966,3	112,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 102,7% кўпайди ва 414,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 42,9% ташкил этди (2017 йил январь-мартда 46,2%).

Йўловчи ташиш. 2018 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 502,7 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,7% кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 101,5% кўпайиб, 12843,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь- сентябрь	2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	502,7	100,7
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	502,7	100,7
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	12843,4	101,5
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	12843,4	101,5

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2017 йил январь-сентябрга нисбатан 102,3% кўпайди ва 11425,1 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 89,0% ташкил этди (2017 йил январь-сентябрда 86,6%).